

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли холосаси асосида тайёргланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:
Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:
Зафар Фахриддинов,
*Исломчинослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:
Зарифжон Арслонов

Дизайнер:
Зарифжон Гуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz
Web-sahifa: info@moturidiy.uz
Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhreddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида
фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг
ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarcandiying xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta’vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e’tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамоилиининг
аҳамияти 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий
ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожида илмий масканларнинг ўрни 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табақот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan
mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбайн жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услугубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an’analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг
манбашунослик таҳлили 171

Behzodbek I. SOIPOV,
*Head of the Department of the Committee on
Religious Affairs of the Republic of Uzbekistan.
A.Navoi str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: bekhzod_soipov@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/12

ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

THE IMPORTANCE OF THE PRINCIPLE OF TOLERANCE IN ENSURING SOCIO- POLITICAL STABILITY OF THE SOCIETY

ЗНАЧЕНИЕ ПРИНЦИПА ТОЛЕРАНТНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА

КИРИШ

Бугунги кунда ҳалқаро миқёсда энг долзарб муаммолардан бири сифатида шубҳасиз давлат ва дин ўртасидаги муносабатларда уйғунликни таъминлаш бўлиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларининг ички ва ташқи сиёсатида дин омили тобора ижтимоий-сиёсий баҳс мунозараларнинг мухим объектига айлангани ҳолда сиёсий жараёнлар ва институтларни диний мушоҳадалар орқали аниқлашга асосланиб бормоқда. Бу бир томондан глобал таҳдидлар билан алоқадор бўлса, иккинчи томондан давлатларнинг миллий манфаатларининг уйғунлашувини таъминлаш борасида янги сиёсий стратегияларни излаш жараёнида қўпчилик таҳдилчилар дин омили миллий - этник, демографик, экстремистик ва бошқа турдаги таҳдидларга қарши турувчи маънавий инструмент сифатида қараб келишади. Шунинг билан, замонавий дунё жамиятнинг диндорлик даражаси ва секуляризм тенденциялари ўртасидаги ихтилофлар мажмуйи сифатида ҳам характерланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимиздаги демократик тараққиёт йўли асносида хуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида виждан эркинлигининг кафолатланиши боис

диний ташкилотлар фаолиятининг тез суръатларда ўсишига, улар сонининг кескин қўпайишига ва бунинг натижасида диннинг жамиятга таъсири кучайишига олиб келди. Шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий жараёнлар Янги Ўзбекистоннинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлат-конфессиявий муносабатларнинг муқобил моделини шакллантиришни талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз маъруzasида «Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим» (Мирзиёев Ш.М., 2017) – деб таъкидлаган эди.

Бугунги глобаллашув ва миллий қадриятларнинг емирилиши заминида жамиятнинг маънавий тамаддуни албатта дин омилига асосланади, ва аксинча давлат институти барча инсонларга хуқуқ ва эркинликларни кафолатлагани ҳолда турли диний ақидалардан йироқлашади. Бу элементлар, аввало, жамиятнинг таянч устунини ташкил этувчи ёшлар катламининг ижтимоий-сиёсий дунёқарашида акс этиши лозимлиги билан белгиланади.

Ҳозирги замонда диний бағрикенглик маданияти дунёда тинчлик ва барқарорликни асрash ҳамда диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашни, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигини назарда тутади. Шу тамойилга асосланган Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки глобал терроризм сабабли бутун инсониятни маънавий-руҳий инқизорзга юз тутиши мумкинлигини жамиятшунос олимларнинг ўзлари ҳам алоҳида қайд этмоқдалар. Шу боисдан ҳам Жак Делор «терроризмнинг бутун жаҳонга хавф солиб туриши барчамизни унга қарши курашишга, тинчлик, хавфсизлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш учун бирлашишга ундейди» (Jacques Delor, 1997:28), деб таъкидлайди.

Кейинги пайтда диний зиддиятлар қаторида диннинг сиёсийлашуви кескин тус олмоқда ва бу бутун жамоатчиликка, давлат хавфсизлигига, ҳаттоқи, умумжаҳон хавфсизлигига салбий таъсир

Аннотация. Мамлакатимиздаги демократик тараққиёттүйлигін асносида ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жасамияти ривожланиши шароиттада вижедон эркінлігінинг кағолатланиши боис диний ташкилоттар фаолияттада тәсілдерде үсішига, улар сонининг кескін күтпайшишига ва бунинг натижасыда диннинг жасамиятта таъсири кучайшишига олиб келди. Бағрикенглик маданияти – асрлар мобайнида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий қадрияттадир. У кишилик ривожи халқларнинг ўзаро алоқадорлығы яқынлық, боғлиқлық, ҳамкорликнинг мунтазамлигига кўра амалга ошиб келган. Марказий Осиёнинг туб халқлари табиаттада бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълик хислати қадимдан мавжуд бўлган. Бугунги кунда мамлакатимизда диний бағрикенгликни таъминлаш мустақиллигимизга хавф колаётган иллатлар экстремизм, терроризм, прозелетизм, шовинизм, «оммавий маданият» каби турли маънавий таҳдиidlар, хуружларга қарши туриш, курашиба мухим роль ўйнамоқда. Мазкур мақолада жасамияттадаги диний бирлигимиз ва тинчлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган айни маана шу муаммолар юзасидан фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: Глобализация, бағрикенглик, қадрият, этнос, тараққиёт, ҳуқуқ, маънавий таҳдиid, диний бағрикенглик.

Abstract. In the course of democratic development in our country, the guarantee of freedom of conscience in the context of the development of a legal state and a strong civil society led to the rapid growth of the activities of religious organizations, a sharp increase in their number, and as a result, the influence of religion on society increased. The culture of tolerance is one of many ancient values that have been ingrained in the blood of our people for centuries. The development of humanity has been realized according to the regularity of closeness, connection and cooperation. In the nature of the indigenous peoples of Central Asia, there has been a long-standing tendency towards the representatives of other nations. Today, religious tolerance in our country threatens our independence, these evils play an important role in the fight against various spiritual threats, attacks, such as extremism, terrorism, proselytism, chauvinism, "mass culture". This article discusses the same problems that can affect our religious unity and peace in the society.

Keywords: Globalization, tolerance, value, ethnicity, development, law, moral threat, religious tolerance.

Аннотация. В ходе демократического развития в нашей стране гарантия свободы совести в условиях развития правового государства и сильного гражданского общества привела к быстрому росту деятельности религиозных организаций, резкому увеличению их числа, в результате чего влияние религии на общество возросло. Культура толерантности – одна из многих древних ценностей, веками вплетающихся в кровь нашего народа. Развитие человечества осуществлялось по закономерности близости, взаимосвязи и сотрудничества. В характере коренных народов Средней Азии давно сложилась толерантность к представителям других народов. Сегодня обеспечение религиозной толерантности в нашей стране играет важную роль в борьбе с различными духовными угрозами, такими как экстремизм, терроризм, прозелитизм, шовинизм, «массовая культура» которые угрожают нашей независимости. В этой статье обсуждаются такие проблемы, которые могут повлиять на наше религиозное единство и мир в обществе.

Ключевые слова: Глобализация, толерантность, ценности, этническая принадлежность, развитие, право, моральная угроза, религиозная толерантность.

кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади. Ана шундай омиллар сирасига киравчи халқаро терроризм, диний фундаментализм ва экстремизм каби муаммолар глобал аҳамиятга эга бўлган омил бўлиб, ҳар қандай ҳукумат у билан ҳам ички, ҳам ташки сиёсатида ҳисоблашишига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда диний бағрикенгликни таъминлаш мустақиллигимизга хавф колаётган мазкур иллатлар экстремизм, терроризм, прозелетизм, шовинизм, «оммавий маданият» каби турли маънавий таҳдиidlар, хуружларга қарши туриш, курашиба мухим роль ўйнамоқда. Шу нуқтаи-назардан караганда, диний бағрикенглик жасамият аъзоларининг онгу-тафаккури ва инсонга

хос муносабат маданиятида, хулқ-атворларида, муаммо ва қийинчиликларни енгишда, ҳар бир инсонга мурувват кўрсатишда ва бағрикенглик фазилатларини намоён қилишда ўз ифодасини топмоқда.

Бағрикенглик маданияти – асрлар мобайнида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий қадриятларданadir. У кишилик ривожи халқларнинг ўзаро алоқадорлығы яқынлық, боғлиқлик, ҳамкорликнинг мунтазамлигига кўра амалга ошиб келган. Марказий Осиёнинг туб халқлари табиаттада бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълик хислати қадимдан мавжуд бўлган. Бу соғ инсоний туйғу, ўзбекларда шу қадар

ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Очик кўнгиллилик, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, ишонувчанлик, бошқа халқларга ёрдам бериш халқимиз бағрикенглигига хос фазилатлардандир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон худудига келган айрим кишилар, оиласлар, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам қуршаб олган илиқ муносабат, самимият ва ғамхўрлик, ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очик кўнгиллилик ва меҳмондўстликнинг ёрқин намойишидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил этади.

Бугунги глобаллашув шароитида инсоният жамияти тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг жаҳон миқёсида интеграциялашиб бориши ҳамда унинг жаҳон миқёсида оламшумул аҳамият касб этишини ўзида ифодаловчи тушунча бўлиб, глобаллашув коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар ҳамда дунёга янгича қарашнинг вужудга келишида намоён бўлмоқда. Глобаллашув жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мағкуравий соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб, халқаро муносабатлар ҳамда давлатларнинг сиёсатига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

МУҲОКАМА

Ҳозирги вақтда умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш, бошқа миллатларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, эътиқодларига сабр-бардош билан эҳтиромли муносабатда бўлиш ҳар бир шахс учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тушунчаларни мустақил давлатимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлод онгига сингдиришнинг услубий жиҳатларини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Глобаллашув жараёни (талаб-эҳтиёжларнинг глобаллашуви) қарама-қарши томонларга эга бўлиб, у бир томондан ер курраси бўйлаб аҳборот тарқалиши, билим ва технологияларнинг тарқалиши билан ривожланишга, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга янги имкониятлар яратади. Лекин, бунда иккинчи томондан, ижтимоий турли-туманлик, ҳаётнинг турли-туманлиги ва маданияти назарга олиниши керак. Бунга маънавий меъёрлар билан ёндашиш,

глобал муаммоларни ҳар бир миллатнинг миллий характери, маданияти, урф-одатлари асосида ҳал этилиши зарур. Дарҳақиқат, барча динлардаги консерватив қараш вакиллари янгиликка, бағрикенглигика канча карши бўлмасинлар ижобий глобаллашув жараёни уларни замон, давр, тараққиёти билан тўғри ва ҳамма учун мақбул йўлга солиб юбораверади.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда мағкуравий хуружларга қарши амалга оширилаётган кенг қамровли маънавий-маърифий ишлар жараёнида бунёдкор ғояларни ёшларимиз онгига ҳар томонлама чуқур сингдириш катта аҳамият касб этади.

Янги ва энг янги даврда юз берган илмий ва техник инқилоблар саноатнинг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келди.

XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошларида юз бераётган глобаллашув жараёнлари эса бу жараёнларни янада тезлаштириб юборди. Бу дегани бағрикенглигка бўлган эҳтиёж мутаносиб равишда ортиб бормоқда, деганидир. Бағрикенглигнинг илмий ва қундалик тасаввур сифатидаги тадрижи, унинг жамият ҳаётидаги муҳим тамойилга айланиши тарихига ташланган қисқа бир назар мазкур ҳодисанинг тадрижи нақадар мураккаб кечганидан гувоҳлик берди. Алоҳида индивид ҳаётида ҳам бағрикенглиг шакланиши худди шундай, эҳтимол, ундан ҳам мураккаброқ тарзда кечади.

XXI аср бошларига келиб жаҳон тараққиётида ўзига хос янги хусусиятлар вужудга кела бошлади. Бугунги даврда аксарият давлатларнинг мағкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир. Шу боис ҳар бир мамлакат жамиятдаги барқарорликни сақлаш, ички ва ташқи таҳдид манбаларини аниқлаш ва бартараф этишга катта эътибор каратиши табиий. XXI асрда ана шундай таҳдид манбаларидан бири сифатида этник ва диний можароларни қайд этмоқ лозим. Ҳозирги кунда дунёнинг қатор нуқталарида маҳаллий ва ички низолар давом этаётганлигини ҳамда аксарият ҳолларда ушбу можароларнинг туб заминида ўз вақтида бартараф этилмаган миллий ва диний адован ётганлигини кўришимиз мумкин. Ёки мазкур омил ички ва ташқи салбий кучлар таъсирида жамият барқарорлигига таҳдид этишга интилаётганини биламиз. Бизга маълумки, ҳар бир жамият ва давлатни юксалиши учун, барқарор тараққиётининг

мухим омилларидан бири диний бағрикенглик тамойилининг фуқаролар онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олганлиги, конфессиялараро соглом муносабатлар қарор топғанлиги орқали намоён бўлади. Айниқса, ушбу омил полиэтник давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, конфессиялараро муносабатлар жамиятимиздаги миллатлараро муносабатлар характерига, жамиятимизнинг «таҳдибардошлиқ салоҳияти»га жиддий таъсир қилувчи омилдир. Зоро, «полиэтник бирликларнинг таҳдибардошлиқ салоҳияти жамиятда миллий тотувликнинг таъминланғанлик даражасига боғлиқдир» (Пахрутдинов Ш., Назаров Н., 2005:10). Миллий тотувликнинг қарор топиши эса диний бағрикенглик тамойилининг жамият аъзолари қалбida чуқур илдиз отишига алоқадор.

Хозирги даврда республикамиздаги турли миллат вакилларининг миллий ўзлигини англаши айрим ҳолатларда диний ўзликни англаш жараёни билан чамбарчас боғланиб кетаётгандигини эътиборга олиш муҳим. Шу ўринда «Дин ва этноснинг ўзаро алоқадорлиги этнос (миллат) ва диннинг параллел ривожланишида, диний ва миллий ўзига хосликнинг айнанлаштирилишида яққол намоён бўлади» (Хўжамуродов И.Р., 1994:21–22), – деган фикрни асосли деб ҳисоблаймиз. Жамиятимизда бағрикенглик туйғусининг узвий қисми бўлмиш диний бағрикенгликни мустаҳкам қарор топтириш глобаллашаётган, маданий қадриятлар синтезлашуви рўй берабётган XXI аср воқелигига «ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурматнинг асоси бўлиб хизмат қиласи» (БМТ Бош котибининг «Халқаро бағрикенглик куни» муносабати билан йўллаган баённомаси, 2008:166). Зоро, биз ёшларимизнинг «айниқса, талаба ва ўқувчи ёшларда сиёсий билимларни ошириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш» (Мирзиёев Ш.М. 2017:560) учун ҳаракат қилаётган эканмиз, барча миллат вакилларига, миллий қадриятларига хурмат билан муносабатда бўлиш рухини мазкур жараённинг асосига қўймогимиз лозим.

Республикамизда миллий бағрикенгликни, шу асосда ижтимоий ҳамкорлик ва барқарор тараққиётни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, миллатлараро муносабатлар баъзан диний конфессиялараро муносабат характерига боғлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда

конфессиялараро ҳамкорлик марказини ташкил этиш лозим. Бу марказ турли диний эътиқод вакилларида ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурмат маданиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлиши мумкин;

Иккинчидан, миллатлараро тотувлик минтақамиздаги сиёсий, этник жараёнлар билан, қўшии республикалардаги миллатлараро муносабатлар характери билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳолат миллий ва фуқаровий бирлик концепцияларини минтақавий бирлик концепцияси билан мувофиқлаштиришни, минтақада миллий ва диний муносабатларни соғломлаштиришга доир маҳсус давлатлараро дастур ишлаб чиқишни тақозо этади;

Учинчидан, глобаллашув жараёнининг миллий ва диний бағрикенглик ривожига кўрсатиши муқаррар бўлган ижобий ва салбий таъсирини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва шунга мувофиқ равишда тегишли чора-тадбирлар тизимини жорий этиб бориш зарур. Юқорида таъкидланган жиҳатлар ечими миллий тараққиётимизнинг барқарор ривожини таъминловчи омил сифатида эътиборлидир. Жамиятда мафкуралар хилма-хиллиги, плюрализм тамойилларини шакллантириш фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишнинг муҳим жиҳати эканини таъкидлаш жоиз.

Бағрикенглик ёки тоқатсизлик асослари ўз кўриниши ва намоён бўлишига кўра асосан қуидаги турларга бўлинади: шахсий, оилавий, ирқий, миллий, диний, маданий, иқтисодий, сиёсий, гендер ва ҳоказо. Фикримизча миллий бағрикенглик деганда-бошқа миллатларнинг турмуш тарзи, хулқ-автори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлишни тушуниш мумкин.

Муқаддас китобимиз ва Асосий Қомусимиз кишилик жамиятида келиб чиқувчи низо ва можароларни атрофлича чуқур таҳлил этиш орқали одамларни диний-миллий характердаги фирмаларга бўлинишининг олдини олишни кўзда тутади. Шу маънода Асосий Қомусимиздаги ўзимизга хослик ва мослигимизда бағрикенглик аслида аждодларимиздан бизга мерос хусусият сифатида қадрлидир. Асосий Қонунимиз бағрикенгликни ҳар бир фуқаро шахсий хуқуқ ва эркинлигининг дахлсизлиги билан боғлик моддаларда яққол ифодалаган. Зоро, ҳар қандай одам миллати, элати, келиб чиқиши, тили, ранги, ижтимоий мавқеи, ёши

ва бошқа ижтимоий-маданий фарқларидан қатъий назар қонунда белгиланган хукуқ ва эркинликларга эгадир.

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида диний бағрикенглик гоясининг аҳамияти беқиёсdir. Демократик тараққиёт йўлидан борища миллий қадриятларни тиклаш асосида миллий ўзликни англашга эришиш жамиятнинг олдида турган муҳим вазифалардандир. Жумладан, диний бағрикенглик гоясини шакллантириш демократик жамият куришнинг асосий талабларидан биридир. Унинг энг муҳимларидан бири сифатида демократик жамият қуришнинг дунёда эътироф этилган тамойилларини тан олиш ва демократиянинг миллий-маданий мерос ва миллий қадриятлар билан боғлик миллий хусусиятларига таянишдан иборат. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида диний бағрикенглик гояси демократик жараёнларда миллий истиқлол гоясининг муҳим салоҳиятида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам миллий гоянинг, Ўзбекистонда диний бағрикенглик гоясининг аҳамиятини, унинг ўзига хос жихатларини тадқиқ этилиши давр талабидир. Зоро, бу узвий боғлиқликни илмий таҳлили юртимизда шакланаётган демократик жамиятнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойилларини аниқлаш, уларни такомиллаштириш йўлларини тўғри тушуниш имконини беради. Дарҳақиқат, диний бағрикенглик гоясининг мазмун-моҳияти, унинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри англаш учун, Марказий Осиё халқларининг камида уч минг йиллик маданий ва маънавий тарихини яхши билишимиз талаб қилинади. Шуни яхши англашимиз керакки, ҳозир бу гоя жамиятимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида узил-кесил амал қилиб келиши тасодифий бир ҳол эмас, балки, у зарурий ҳодиса сифатида халқимизнинг онги ва қалбida этишиб, шаклланиб, унинг ҳаётида минг бор синовлардан ўтиб, дуригавҳардек баҳоланиб ва маъкулланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда ўзбек халқининг илгор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, айни вақтда бу худуддаги илк замондан ҳозиргacha мавжуд бўлиб келган динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси, тадрижий тараққиётини ўрганиш турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб

этади. Айниқса, ёш авлодни тарбиялашда диний бағрикенглик муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда шуни ҳам айтиш керакки бундай инсонлар бошқа дин вакилларига нисбатан ҳам юксак ҳурматда бўлади. Яъни инсонни қадрлайдиган юксак маънавиятли шахс бўлиб етишади. Қадим-қадимдан маънавияти, маданияти юксак бўлган эл қурдатли бўлган. Шундай экан юртимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

НАТИЖА

Умуман олганда глобал ўзгаришлар шароитида диний бағрикенглик қуидагиларда ёрқин намоён бўлади:

Биринчидан, дин ва диний қадриятлар этносиёсий парадигмага қарши чиқмайди, балки ривожланишини таъминлашга ўз восита ва усуслари билан ёрдам беради. Этносиёсий парадигманинг стратегик мақсади жамиятнинг барча аъзолари, шу жумладан, динга эътиқод қилувчилар, конфессиялар, диний ташкилот аъзоларига ҳам дахлдордир.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёвий демократик, хукукий давлат, унда дин давлатдан ажратилган, дин давлат ишларига аралашмаганидек, давлат ҳам диний идоралар, ташкилотлар ички ишларига аралашмайди. Бироқ бу дин ва диний идоралар, эътиқод қилувчилар истаган ишини қилиши, давлат ва жамият ҳаётига индифферент муносабатда бўлиши мумкин, деган фикрға олиб келмаслиги зарур. Диндорлар қандай ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-хуқуқий қадриятларга таянишига давлат, жамият бефарқ қарай олмайди.

Учинчидан, халқлар, миллатлар инок яшаганида, стратегик мақсадни ўзининг ҳаётий мақсади сифатида қабул қилганида ижтимоий тараққиётни таъминлаш мумкин.

Тўртинчидан, миллатлараро муносабатларда динга, диний қадриятларга таяниш виждон эркинлиги орқали таъминланади. Қайси динга эътиқод қилиш, қандай диний қадриятларни эъзозлаш, тарғиб этиш ва қўллаб-кувватлаш шахснинг конституцион хукуқидир. Аммо дин ва диний ташкилотларнинг миллатлараро муносабатларга бевосита аралашиши, уларни у ёки бу шаклда уюштириш, бир миллатни иккинчисига қарши қўйиши мумкин эмас.

Бешинчидан, миллатлараро муносабатларда дин ва диний ташкилотлар тўплаган тарихий, маданий, ижтимоий-ахлоқий тажрибалардан фойдаланиш ҳар икки томон, айниқса, ижтимоий тараққиёт учун конструктив аҳамиятга эга. Шунингдек, диндаги мавжуд айрим фундаментал асослардан деструктив кучлар фойдаланишга интилаётганини унтиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда диний фундаментализм ва терроризм кенг тарқалётгани боис, давлатлараро, миллатлараро муносабатларда бир-бирига шубҳа билан қараш, тўла ишонмаслик реал воқеликка айланаб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга. Дунёвий ва диний мафкуралар муносабатини ўзаро уйғунлаштиришда мафкуравий тарбия алоҳида ўрин тутади. Айниқса, ғаразли манфаатларни кўзлаган айрим кучлар диндан ниқоб сифатида фойдаланиб, ёшларни ўз домига тортишга интилади. Ҳозирги ахборотлашган жамиятда, глобаллашув шароитида айрим ёшлар онгига бу ҳолат салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам, ҳақ-хукукини таянадиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.

Диний маърифатнинг жамият интеллектуал даражасига мос ўзгариши, такомиллашуви – зарурӣ, ижобий жараён. Аммо ҳозирги даврда пайдо бўлаётган янги диний секталар жамият маънавий тараққиётининг келажак камолотига салбий таъсири ёшларнинг бир кисмини ўз томонига оғдириб, ижтимоий ҳаётдан четлаштиришга, ёшлар фаолиятини давр қўйган муаммоларни оқилона ҳал қилишга йўлламасдан, тушкунлик, эгоистик, умидсизлик кайфиятига йўналтирумoqueда, жамият маънавиятига катта зарар етказмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, хур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православлик, яхудийлик, баптистлик, адвентистлик, католиклик сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг

фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Немис олими Т.Нагельнинг: «Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждан эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашларидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қиласи» (Нагель Т., 2003:25), – деб таъкидлаши ҳам бунга исбот бўла олади.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар – мусулмонларнинг масжидларини, яхудий синагогаларини, католик костеллари, православ ва протестант черковлари турли шоҳобчаларига оид ибодатхоналарни кўриш мумкин. Тарихий мураккаб жараёнларни халқимиз бошқа дин вакиллари билан биргаликда бошидан кечиран экан динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаб борган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва эътиқод вакиллари юртда тинчлик ва барқарорликдан манфаатдордирлар ва шу йўлда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қиласидар. Чунки, «Миллатлараро тутувлик гояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиласиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласи» (Рахимов С., 2000:59).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бағрикенглик маданияти масаласини ўрганишда миллий анъаналарга, миллий қадриятларга ва миллий маданиятга эътибор бериш лозим. Чунки бағрикенглик хусусияти ҳам ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек миллий менталитетида бағрикенглик умуминсоний қадриятлар ва тамойилларнинг ўзаро мувофиқлик даражасини белгилаш омили ҳамдир. Айни вақтда бағрикенгликни ифодаловчи хусусиятларга одамларнинг ҳаммаси ҳам онгли равища бўйсунавермайди, балки уларнинг бир қисми кўпчиликка тақлидда, масала моҳиятини етарли ҳис этмасдан туриб ҳам амал қиласерадилар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. (2017). "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/vatanimiz-ta-diri-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017>
2. Jacques Delor. (1997). Learning: the Treasure within// Report to UNESCO of the International Commission on Education for the Twenty-first Century. Paris: UNESCO.
3. Пахрутдинов Ш., Назаров Н. (2005). Milliy totuvlik – taҳdidbardoshlik omili. Тошкент: // «Jamiyat va Boshqaruv» журнали. № 3.
4. Хўжамуродов И.Р. (1994). Проблема формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него Ислама. Автореф. доктора филос. наук. Тошкент.
5. БМТ Бош котибининг «Халқаро бағрикенглик куни» муносабати билан йўллаган байонотномаси (2008 йил 16 ноябрь). Тошкент: // Ижтимоий фикр. Инсон хуқуклари, №4 (44). 2008.
6. Мирзиёев Ш.М. (2017) Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ.
7. Нагель Т. (2003). Лотин Европасида дунёвий маърифий давлат ривожи // Ислом ва дунёвий маърифий давлат. Тошкент.
8. Раҳимов С. (2000). Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. (2017). «Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi» // <https://uza.uz/uz/posts/vatanimiz-ta-diri-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017>
2. Jacques Delor. (1997). Learning: the Treasure within// Report to UNESCO of the International Commission on Education for the Twenty-first Century. Paris: UNESCO.
3. Paxrudinov Sh., Nazarov N. (2005). Milliy totuvlik – tahdidbardoshlik omili. Tashkent: // «Jamiyat va Boshqaruv» journali. № 3.
4. Xo'jamurodov I.R. (1994). Problema formirovaniya nasionalnogo (etnicheskogo) somosoznaniya uzbekskogo naroda i vliyaniye na nego Islama. Abstract of doctoral dissertation. Tashkent.
5. BMT Bosh kotibining «Xalqaro bag'rikenglik kuni» munosabati bilan yo'llagan bayonotnomasi (2008 yil 16 noyabr). Tashkent: // Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari, №4 (44). 2008.
6. Mirziyoyev Sh.M. (2017) Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Tashkent: «O'zbekiston» NMIU.
7. Nagel T. (2003). Lotin Yevropasida dunyoviy-ma'rifiy davlat rivoji // Islom va dunyoviy-ma'rifiy davlat. Tashkent.
8. Rahimov S. (2000). Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. Tashkent: «O'zbekiston».



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўкув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK

The Maturidiyya - الماتریدیة - Матуридизм

4/2023

Бош мұхаррір: **Ж.Каримов**

Мұхаррір: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар мұхарріри: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiyuz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишига 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими $60 \times 84 \%$.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية